



ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ МОЛИЯВИЙ БАҲОЛАШ МЕТОДОЛОГИЯСИ

Нилуфар Шарипова

PhD, Тошкент молия институти

“Банк ҳисоби ва аудит” кафедраси катта ўқитувчиси

Тошкент, Ўзбекистон. e-mail: shani_80@mail.ru

ORCID: 0000-0002-4892-9922

METHODOLOGY FOR ASSESSING THE FINANCIAL STABILITY OF COMMERCIAL BANKS

Nilufar Sharipova

PhD, Tashkent Financial Institute

senior lecturer of the Department "Banking Account and Audit"

Tashkent, Uzbekistan. email: shani_80@mail.ru

ORCID: 0000-0002-4892-9922

JEL Classification:G2,G21

Аннотация: Банкларнинг молиявий барқарорлигини баҳолаш банк тизими барқарорлигида муҳим аҳамиятга эга. Капитал етарлилиги, кредит рискинни баҳолаш, ликвидликни баҳолаш, бозор риски, фойда каби кўрсаткичлар алоҳида кредит ташкилотларининг рисklarини ўз вақтида аниқлашга, банк тизимида салбий таъсирларнинг юзага келмаслигига ёрдам беради. Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегиясининг асосий йўналишларидан бири банкларнинг молиявий барқарорлигини ошириш масаласи бўлиб, ушбу йўналишда халқаро стандартлар ва илгор тажрибани қўллаган ҳолда банкларда корпоратив бошқарувни такомиллаштириш, кредитлашнинг мўтадил даражада ўсишини таъминлаш ва кредит портфели сифатини яхшилаш, банк назоратини ва банкларда таваккалчиликларни бошқариш тизимларини ривожлантириш, шу жумладан рискка асосланган назорат тизимини татбиқ этиш ишлари амалга оширилиши белгиланган[1].

Турли даврларда тадқиқотчилар тижорат банки молиявий барқарорлигини белгиловчи турли ёндашувларни таклиф қилганлар. Ушбу тушунчанинг асосий белгилари сифатида банкнинг барча молиявий ва номолиявий кўрсаткичлар ўзгариши асосида шаклланган жорий молиявий ҳолати ҳамда унинг ноаниқ макроиқтисодий муҳитда белгиланган стратегия асосида фаолият кўрсата олиш қобилияти тушунилади.

Кредит ташкилотларининг молиявий барқарорлигини баҳолаш методикаси иқтисодиётнинг турли субъектлари томонидан турли мақсадларда ишлаб чиқилади ва фойдаланилади. Булар: мониторинг учун регулятор томонидан, кредит ташкилотининг миқозлари томонидан, шунингдек, банклараро кредитларни беришда контрагент-банклар томонидан, рейтинг агентликлари томонидан, шунингдек, тадқиқот мақсадларида банкнинг молиявий барқарорлиги баҳоланади.

Ушбу мақолада замонавий иқтисодиётда тижорат банкларининг



молиявий барқарорлиги ва мавжуд кўрсаткичлар ёрдамида уни баҳолаш усуллари тўғрисида сўз юритилади. Мавжуд рейтинг баҳолаш тизимига асосланган усул, коэффициент таҳлиliga асосланган усул, статистик моделларга асосланган усул ҳамда макропруденциал усулларга тўхталиб, бундай баҳолаш усулларининг моҳияти ёритилган. Жаҳон банк амалиётида кенг қўлланиладиган CAMELS рейтинг тизими баҳолаш методикаси ёрдамида айрим тижорат банкларининг молиявий барқарорлиги таҳлили амалга оширилган ҳамда таҳлил маълумотлари қиёсий ўрганилган. Мақола сўнггида тегишли хулоса ва таклифлар шакллантирилган.

Abstract: Assessment of financial stability of banks is important for the stability of the banking system. Indicators such as capital adequacy, credit risk assessment, liquidity assessment, market risk, profit contribute to timely identification of risks of individual credit institutions, prevention of negative consequences in the banking system. One of the main directions of the strategy of reforming the banking system of the Republic of Uzbekistan is the issue of increasing the financial stability of banks, in this direction, the improvement of corporate governance in banks using international standards and best practices, ensuring moderate growth in lending and improving the quality of loans provided to the portfolio, to develop banking control and risk management systems. At different times, researchers have proposed different approaches that determine the financial stability of a commercial bank. The main features of this concept are the current financial position of the bank, formed on the basis of changes in all financial and non-financial indicators, as well as its ability to act on the basis of a strategy developed in an ambiguous macroeconomic environment[1].

The methodology for assessing the financial stability of credit institutions has

been developed and is used for various purposes by various economic entities. These include: the financial stability of the bank is assessed by the regulator for monitoring purposes, by customers of the credit institution, as well as by counterparties-banks when issuing interbank loans, rating agencies, as well as for research purposes.

This article deals with the financial stability of commercial banks in the modern economy and methods of its assessment using available indicators. The main attention is paid to the existing rating evaluation system, the method based on coefficient analysis, the method based on statistical models, as well as macroprudential methods, the essence of such evaluation methods is revealed. The analysis of the financial stability of individual commercial banks was carried out using the CAMELS rating system assessment methodology, which is widely used in global banking practice, and the analysis data were studied comparatively. At the end of the article, the relevant conclusions and proposals are formulated.

Калит сўзлар: банкларнинг молиявий барқарорлиги, банк активлари рентабеллиги, капитал рентабеллиги, муаммоли кредитларнинг жами кредитлардаги улуши.

Keywords: financial stability of banks, return on assets, return on capital, the share of problem loans in the total volume of loans issued.

Кириш. Замонавий иқтисодиётда ҳар бир тижорат банки учун “молиявий барқарорлик” мезони катта аҳамиятга эга. Ушбу мезоннинг аҳамиятлилиги қуйидагилар билан изоҳланади:

– Ўзбекистон Республикаси Марказий банки банк тизимини соғломлаштириш сиёсатини амалга оширишида тижорат банкларининг молиявий барқарорлик кўрсаткичи асос бўлиб ҳисобланади;

– мамлакатда нобарқарор иқтисодий вазиятда тижорат банкининг рақобатбардошлигини белгиловчи асосий кўрсаткичлардан бири унинг молиявий барқарорлиги ҳисобланади;

– банкнинг стратегик режаларини ишлаб чиқишда унинг молиявий барқарорлик кўрсаткичлари асос бўлади.

Шу сабабли тижорат банкининг молиявий барқарорлигини баҳолаш муҳим аҳамият касб этади.

S.Fischer фикрича, “молиявий барқарорлик бу молия тизимидаги шундай ҳолатки, бунда молия тизими яхши ва ёмон таъсирлар остида узлуксиз фаолият кўрсата олади ва иқтисодиётнинг исталган ижобий ва салбий шок ҳолатларига дош бера олади. Бунда молиявий барқарорлик бизнесдаги йўқотишларни олдини олишни назарда тутмайди. Молиявий барқарор ҳолатда тизим шундай йўқотишлар билан ҳам самарали ишлай олади” [2].

Ф.Фетисов банкларнинг молиявий барқарорлигига шундай таъриф берган: “тижорат банкининг молиявий барқарорлиги унинг банк фаолияти яқунлари, ресурслари, капитали, даромадлари ва харажатлари орқали изоҳланади” [3].

Маҳаллий тадқиқотчиларимиздан О.Саттаров банк тизими барқарорлигига қуйидагича таъриф беради: “банк тизими барқарорлиги – бу Марказий банк ва тижорат банклари фаолияти давомида ўз функцияларини тўлақонли бажара олишини таъминлаш имконини берадиган даражани сақлаган ҳолатда, ривожланишга қараб интилишдир” [4].

Материал ва метод. Тижорат банкининг молиявий барқарорлигини таъминлаш механизмини такомиллаштиришда тизимли таҳлил ҳамда моделлаштириш усулларидан фойдаланилади. Тижорат банкларининг

молиявий барқарорлигини баҳолашда мавжуд усулларни қуйидаги асосий гуруҳларга бўлиш мумкин:

- 1) рейтинг баҳолаш тизимида асосланган усул;
- 2) коэффициент таҳлилига асосланган усул;
- 3) статистик моделларга асосланган усул;
- 4) макропруденциал усул.

Мазкур усуллар тижорат банклари молиявий барқарорлик даражасини аниқлаб, фаолиятнинг молиявий барқарорлигини таъминлаш истиқболларини белгилаш учун зарур қарорлар чиқаришда муҳим йўналишларни аниқлашга имкон беради.

Натижалар. Тижорат банкларининг молиявий барқарорлигини рейтинг асосида баҳолаш усулларига халқаро амалиётда қуйидагилар мисол бўла олади: Patrol, ORAP, CAMELS, рейтинг агентликлари усуллари. Patrol усули италия банклари амалиётида 1993 йилдан бери қўлланилиб, ушбу моделнинг асосий вазифаси жойида инспекцион текширув ўтказиш лозим бўлган молиявий ташкилотларнинг фаолиятини масофадан текшириш. Бундай текширувда банкнинг капитал даромадлиги, фойдалилик, кредитлар сифати ва ликвидлиги ўрганилади.

ORAP (Organization and Reinforcement of Preventive Action) тизими Patrolдан тубдан фарқ қилади. Ушбу тизимнинг вазифаси банк фаолиятида мавжуд барча рискларни баҳолаш асосида мавжуд муаммони аниқлашга қаратилган. Банк фаолиятида мавжуд белгиланган 14 та кўрсаткичлар қуйидаги 5 гуруҳга ажратиб таҳлил қилинади: пруденциал кўрсаткичлар, активлар сифати, бозор rischi, даромадлар ва сифат кўрсаткичлари.

Банк молиявий барқарорлигини баҳолашда ишлатиладиган классик

узуллардан бири бу **CAMELS тизимидир**. Ушбу методика 1978 йилда АКШда ишлаб чиқилган бўлиб, алоҳида тижорат ташкилотларида ҳам, давлат органлари фаолиятини баҳолашда ҳам қўлланилади. CAMELS сўзининг ҳар бир ҳарфи таҳлил амалга ошириладиган банкнинг маълум фаолият йўналишини акс эттиради:

- "С" (capital adequacy) – кредит ташкилотининг капитал етарлиги, унинг ҳажми ва белгиланган нормативларга мослигини ўрганувчи кўрсаткичлар гуруҳини англатади;

- "А" (asset quality) – активлар сифатини англатиб, асосий эътибор муаммоли кредитларга қаратилади;

- "М" (management) – тижорат банки бошқарув сифатини англатиб, барча йўриқномаларга амал қилиш даражасини ҳам ўрганади;

- "Е" (earnings) – банк рентабеллиги, шунингдек, банк фойда олиш даражаси келгуси ривожланишида етарлигини таҳлилинги англатади;

- "L" (liquidity) – ликвидлилик кўрсаткичи банкнинг турли мажбуриятларини бажара олиш қобилиятини таҳлилинги англатади.

1997-йилдан "S" (sensitivity to risk) кўрсаткичи қўшилган бўлиб, бозор рискларига сезувчанликни англатади.

Юқоридаги гуруҳлар бўйича кўрсаткичлар қуйидаги жадвалда келтирилган коэффицентлар бўйича ҳисобланиб, баҳоланади.

CAMELS рейтинг тизими бўйича ҳар бир банкка олти компонент бўйича рақамли рейтинг ўрнатилади, умумий рейтинг баҳоси эса, ушбу ҳар бир компонентларнинг рейтинг баҳолари асосида шакллантирилади. Рейтинг тизимининг ҳар бир компоненти беш баллик шкалада баҳоланиб, бунда «1» – энг юқори балл, «5» – энг паст балл бўлиб ҳисобланади. Банкнинг умумий рейтинг

баҳоси қуйидаги мезонлар асосида белгиланади:

- «1» — банкнинг ҳолати «кучли»;
- «2» — банкнинг ҳолати «барқарор»;
- «3» — банкнинг ҳолати «қониқарли»;
- «4» — банкнинг ҳолати «кучсиз»;
- «5» — банкнинг ҳолати «қониқарсиз».

Шу ўринда банкларнинг молиявий барқарорлигини баҳолаш усуллари қаторида коэффицент усулларидадан бўлган Россия амалиётида кенг тарқалган *В. Кромонава усулига* ҳам тўхталиб ўтиш ўз аҳамиятига эга. Ушбу усул асосида қуйидаги олти кўрсаткич ётади:

- *Асосий ишончлилик коэффиценти (K1)* – банкнинг рискка тортилган активлари ўз капитали билан ҳимояланганлик даражасини кўрсатади, норматив $K1 = 1$, чегара қиймати – 45%;

- *Лаҳзали ликвидлилик коэффиценти (K2)* – банк мижозларнинг маблағларини ўз кредит ресурслари сифатида ишлатаётганлиги даражасини кўрсатади, норматив $K2 = 1$, чегара қиймати – 20%;

- *Кросс-коэффицент (K3)* – банк жалб қилинган маблағларни ишлатганида йўл қўядиган риск даражасини кўрсатади, норматив $K3 = 3$, чегара қиймати – 10%;

- *Ликвидлиликнинг асосий коэффиценти (K4)* – банкнинг кредитлар муддатида қайтарилмаганида кредиторлар талабини қондира олиш даражасини ифодалайди, норматив $K4 = 1$, чегара қиймати – 15%;

- *Капиталнинг ҳимояланганлик коэффиценти (K5)* – банк инфляцион жараёнларни қанчалик ҳисобга олганлиги ҳамда ўз активларининг қандай улушини кўчмас мулк ва асбоб-ускуналарга жойлаштириши даражасини кўрсатади, норматив $K5 = 1$, чегара қиймати – 5%;

- *Фойданинг капиталлашув коэффиценти (K6)* – олинган фойданинг

капиталлашув даражасини кўрсатади, норматив $K5 = 3$, чегара қиймати – 5%.

Ушбу коэффициентлар ҳисобланганидан кейин улар орқали ягона кўрсаткич – ишончилилик индекси аниқланади. Ишончилилик индексининг максимал қиймати 100 га тенг, шунинг учун ушбу кўрсаткичнинг қиймати қанчалик юқори бўлса, банк шунчалик молиявий барқарор бўлиб ҳисобланади. Ишончилилик индекси қуйидаги формула орқали ҳисобланади:

$$N = 45K_1 + 20K_2 + 10/3 K_3 + 15K_4 + 5K_5 + 5/3 K_6 \quad (1)$$

Шунингдек, банк фаолияти таҳлили Fitch, Standard & Poor's (S&P) и Moody's каби халқаро рейтинг агентликлари томонидан амалга оширилади. Fitch рейтинг агентлигининг таҳлил методикасига кўра, капиталлашув даражаси, ликвидлилик, даромадлилик, активлар сифати каби миқдор кўрсаткичлари ҳамда менежмент, миқдор базаси, рискларни бошқариш каби қатор сифат кўрсаткичлари ҳисобга олинади. Шунингдек, умуман, иқтисодий конъюнктура ҳисобга олинади. Охириги натижа кредит ташкилоти дефолт ҳолатидага қанчалик яқинлигини аниқлаб беради.

Коэффициент таҳлиliga асосланган асосий усуллардан бири бу BaKred System (BAKIS) бўлиб, 1997-йилда Германияда ишлаб чиқилган. Ушбу

методикада 47 та коэффициент асосида банк фаолияти таҳлил қилинади.

Статистик моделларга асосланган методикага FIMS (Financial Institutions Monitoring System), SEER Rating (АҚШ), SCOR (АҚШ); SEER Risk Rank (АҚШ), Bank Calculator — OCC (АҚШ), SAABA (Франция) усуллари мисол бўлади.

FIMS методикасига асосан банк фаолияти икки босқичда таҳлил қилинади. Биринчи босқичда 30 та коэффициент асосида ҳисоб-китоб амалга оширилиб, банкнинг жорий ҳолати аниқланади ва иккинчи босқичда банкнинг кейинги икки йил ичида эҳтимолий дефолт ҳолати баҳоланади.

SAABA методикаси уч босқичдан иборат. Биринчи қисмда миқдорий таҳлил амалга оширилиб, бунда кредит портфели ва муаммоли кредитлардан эҳтимолий йўқотишлар тадқиқ қилинади. Иккинчи қисм банк акциядорлари тўғрисидаги сифат таҳлилини ўз ичига олади. Учинчи қисм қуйидаги таҳлилларни ўз ичига олади: банкни бошқариш сифати, ички назорат ва банкнинг ликвидлилик кўрсаткичлари. Ушбу таҳлиллар асосида банкнинг ишончилилик даражасига баҳо берилади.

Макропруденциал усул сценар таҳлил асосида стресс-тест амалга ошириш, портфел сезувчанлиги таҳлили, максимал йўқотишларни ҳисоблаш усули каби усулларни ўз ичига олади.

1-жадвал

Банкларнинг молиявий барқарорлигини баҳолаш услубларининг таққослама жадвали

Таҳлил усули	Миқдор таҳлили	Сифат таҳлили	Эксперт хулосасининг мавжудлиги
	мавжуд	мавжуд эмас	мавжуд эмас
	мавжуд	мавжуд эмас	мавжуд
	мавжуд	мавжуд	мавжуд
	мавжуд	мавжуд эмас	мавжуд эмас
	мавжуд	мавжуд эмас	мавжуд эмас
	мавжуд	мавжуд эмас	мавжуд эмас
Рейтинг агентликлари услуби	мавжуд	мавжуд	мавжуд

Алоҳида давлатларнинг марказий банклари ўз рейтинг методикаларига эга. Масалан, Англия банки тижорат банкларини назорат қилиш мақсадида RATE методикасини қўллайди. У рискларни баҳолаш (Risk Assessment), назорат инструментлари (Tools), назорат инструментларини қўллаш самарадорлигини баҳолаш (Evaluation) каби бўлимларни ўз ичига олади. Натижада, назорат қилиш ва чоратдбирлар ишлаб чиқиш мақсадида алоҳида банкларнинг молиявий барқарорлиги баҳоланади.

RAST (Risk Analysis Support Tool) тизими бўйича банкларни баҳолаш 1999-йилдан бошлаб Нидерландияда қўлланилган. Ушбу баҳолаш усули тўрт қисмдан иборат бўлиб, булар – ташкилот ҳисоботлари таҳлили, унинг бўлимлари ва фаолият турлари таҳлили, алоҳида бизнес-жараёнларни баҳолаш, кўрсаткичларни таҳлил қилиш.

Молиявий барқарорлик мавжуд бўлганида тизимли рискнинг ўсиши тўхтайди. Ўз навбатида, тизимли риск юзага келганида зарур молиявий маҳсулотлар ва хизматлар сезиларли даражада ёмонлашади ва бу иқтисодий ўсиш ҳамда аҳолининг яшаш тарзига ўз таъсирини ўтказиши (ЕБ) [5]

Молиявий барқарорлик бу молиявий нобарқарорликнинг, шунингдек, умумий иқтисодий фаолликка сезиларли зарар етказиши мумкин бўлган бозор "йўқотишлари" ёки ташқи шокларнинг мавжуд бўлмаслигидир (ХВФ)[6].

Молиявий барқарорлик ҳолатида молия тизими (асосий молия бозорлари ва уларнинг институционал ташкилотлари) иқтисодий шокларга бардошли ва ўз асосий функцияларини: молия ресурсларини тақсимлаш, рискларни бошқариш ва тўловларни амалга

оширишни узлуксиз бажаришга қодир бўлади (Венгрия Миллий банки) [7].

Молиявий барқарорлик ҳолатида тўлиқ молия тизими (банклар, бошқа молиявий воситачилар, молия бозорлари ва уларнинг инфратузилмалари, шунингдек, тўлов ва ҳисоб китоб тизимлари) кўзда тутилмаган шок ҳолатларига бардошли ва қарши тура олади ва шунинг баробарида, жамғармалар ва молия ресурсларини самаралироқ ва ижтимоий муҳим фаолият йўналишларига самарали тақсимлаш жараёнини жиддий хавф остига қўйиши мумкин бўлган эҳтимолликларни пасайтиради (Греция Миллий банки)[8].

Мамлакатда Марказий банкнинг макроиктисодий мақсадларга эришишга йўналтирилган монетар сиёсат ҳамда алоҳида банкларнинг тўловга лаёқатсизлигини олдини олиш, шунингдек, кредиторлар ва омонатчилар олдидаги мажбуриятларини вақтида бажара олишини назорат қилишга қаратилган микропруденциал назорати ўртасида мамлакатда молиявий барқарорликни таъминлашга қаратилган сиёсат макропруденциал сиёсат бўлиб ҳисобланади.

Қуйида мамлакатимизда фаолият юритаётган айрим тижорат банкларининг Марказий банк томонидан ўрнатилган иқтисодий меъёрларга амал қилиш даражасини таҳлил қилган ҳолда, банк фаолияти молиявий барқарорлигини жаҳон амалиётида кенг қўлланиладиган CAMELS рейтинг усули орқали баҳолашга ҳаракат қиламиз.

Молиявий барқарорлик кўрсаткичларини банкнинг капитал базаси коэффицентлари, ликвидлик коэффицентлари, даромадлилик коэффицентлари, самарадорлик коэффицентлари, активлар ва пасивлар сифати коэффицентлари, соф молиявий барқарорлаштириш коэффицентлари

даражасининг динамикасини ўрганиш
асосида таҳлил қиламиз.

2-жадвал

АТИБ “Ипотекабанк”нинг Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан
ўрнатилган иқтисодий меъёрларга амал қилиш ҳолати [9]

№	Иқтисодий меъёрлар							
	Регулятив капиталнинг таваккалчиликни ҳисобга олган ҳолдаги активларнинг умумий суммасига нисбати, К1	<i>min.</i>						
		амалда	0,158	0,130				
	I даражали капиталнинг таваккалчиликни ҳисобга олган ҳолдаги активларнинг умумий суммасига нисбати, К2	<i>min.</i>						
		амалда						
	Лeverаж	<i>min.</i>						
		амалда						
	Кредит портфелининг активлардаги улуши, %	амалда	78,9	71,2	61,3	74,9	72,5	72,6
	Депозитларнинг кредитларга нисбати, %	амалда	52,1	38,9	39,3	39,0	54,4	51,1
	Муаммоли кредитлар (NPL) нинг жами кредитлардаги улуши, %	амалда	0,7	1,27				
	Активлар рентабеллиги	амалда	2,27					3,47
	Капитал рентабеллиги (ROE),	амалда	24,25					21,19
	Лаҳзали ликвидлик	<i>min.</i>						
		амалда						
	Соф барқарор молиялаштириш меъёри коэффиценти	<i>min.</i>						
		амалда						
	Ликвидликни қоплаш меъёри коэффиценти	<i>min.</i>						
		амалда						

Жадвал маълумотларидан кўринадикки, АТИБ “Ипотекабанк” томонидан капитал етарлилиги, даромадлилик ва ликвидлилик бўйича ўрнатилган барча иқтисодий меъёрларнинг талаблари бажарилган. Кредит портфелининг активлардаги улуши юқори (70 фоиздан юқори) эканлиги банкнинг актив операцияларида кредит операциялари асосий улушни ташкил этишини англатади. Ушбу

йўналишда банкнинг қимматли қоғозлар, инвестициялар ҳамда воситачилик билан боғлиқ бошқа актив операцияларини ҳам кенгайтириш устувор вазифа эканлигини таъкидлаш ўринлидир.

Жадвал маълумотларидан кўринадикки, Ипотекабанкда 2017-2022 йилларда умумий капитал ва биринчи даражали капиталнинг етарлилик даражаси CAMEL рейтинг тизимида



белгиланган меъёрий даражадан юқори (1 балл).

CAMEL рейтинг тизимининг иккинчи компоненти активлар сифати бўлиб, бунда умумий риск миқдори даражаси кўрсаткичини аниқлаш лозим. Таҳлиллар натижасида, 2017-2022 йиллар давомида Ипотекабанк умумий риск миқдори даражасининг кўрсаткичи ўртача 20 фоиз атрофида тебранганини кўрсатди.

CAMEL рейтинг тизимининг учинчи компоненти банк даромадлилик кўрсаткичлари бўлиб ҳисобланади. Бунинг учун биз активлар рентабеллиги ROA кўрсаткичидан фойдаланамиз.

$$ROA = \frac{\text{Солиқ тўлагунгача соф фойда}}{\text{Рискка тортилга активларнинг ўртача суммаси}} \quad (2)$$

Маълумотлардан банк даромадлилик кўрсаткичларининг ўсиш тенденциясини кузатиш мумкин. Бу эса тижорат банкининг молиявий барқарорлигини таъминлаш нуқтаи назаридан ижобий ҳолат бўлиб ҳисобланади.

CAMEL рейтинг тизимининг навбатдаги компоненти ликвидлилик кўрсаткичлари бўлиб, АТИБ "Ипотекабанк" фаолияти молиявий барқарорлигини баҳолашда биз ЎзР Марказий банки томонидан жорий қилинган лаҳзали ликвидлилик кўрсаткичини базавий кўрсаткич сифатида олдик. Юқоридаги жадвалда кузатиш мумкин, банк фаолиятида ушбу кўрсаткичга қўйилган талаблар тўлиқ бажарилган.

CAMEL рейтинг тизимининг навбатдаги элементи банк бошқарувининг сифати кўрсаткичлари бўлиб ҳисобланади, ушбу кўрсаткични юқоридаги тўрт компонентлар бўйича олинган балларнинг ўртачаси сифатида аниқлаймиз. Шу асосда охириги умумий

элементлар бўйича ўртача баллни ҳисоблаймиз.

Юқоридаги жадвал маълумотлари бўйича АТИБ "Ипотекабанк"ни менежментнинг сифати бўйича биринчи, яъни барқарор банклар тоифасига киритиш мумкин. 2017-2018 йилларда ўртача балл - 1, 2019-2020 йилларда ўртача балл - 2, 2021-2022 йилларда эса ўртача балл - 2 га тенг бўлганлиги ижобий ҳол ҳисобланади.

Ипотекабанк фаолияти CAMEL рейтинг тизими ҳисоб-китоблари натижасида қуйидаги якуний хулосага келиш мумкин: Ипотекабанк CAMEL рейтинг тизимининг барча беш элементи бўйича тўплаган балларининг миқдорига кўра барқарор банклар гуруҳига мансубдир.

Шуни ҳисобга олиш зарурки, банкларнинг молиявий барқарорлигига турли ички ва ташқи омиллар таъсир қилади. Ички омилларни банк пухта бошқарув сиёсати билан, ташқи омилларни эса мамлакатдаги қулай инвестицион ва иқтисодий муҳит билан ижобий самарали даражага олиб чиқиш мумкин[10].

CAMEL рейтинг тизими асосида тижорат банкининг молиявий барқарорлигини аниқлаш бизга маълум бир тижорат банкининг ҳолати тўғрисида тасаввур берсада, таъкидлаш лозим, ушбу усулда жуда кўп коэффициентлар ҳисоб-китобини амалга ошириш зарур. Бундай маълумотларни аниқлаш ва ушбу усулда банкнинг молиявий барқарорлигига баҳо бериш мижозлар учун анчайин қийинчилик туғдиради.

Хулоса. Юқоридаги таҳлиллар асосида қуйидаги хулосаларни таъкидлаш ўринлидир:

– тижорат банкларининг молиявий барқарорлигини баҳолашнинг турли усуллари мавжуд бўлиб, уларнинг барчаси, шунингдек, CAMELS рейтинг



тизими таҳлил қилинадиган кўрсаткичларнинг кўплиги ва ҳисоб-китобларининг мураккаблиги билан изоҳланади;

– таҳлил қилинадиган баъзи кўрсаткичлар бир-бирини инкор этади ҳамда бу банкларнинг молиявий барқарорлигини баҳолашни қийинлаштиради.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, тижорат банкларининг молиявий барқарорлигини баҳолашда жуда

кўпсонли кўрсаткичлар қўлланилади, аммо ҳалигача тижорат банкининг молиявий барқарорлигини баҳолашнинг оддий усулини ишлаб чиқиш масаласи долзарб бўлиб қолмоқда. Чунки тижорат банкининг молиявий барқарорлигини таҳлилни амалга ошириш банкларнинг ўзи учун, юридик ташкилотлар ва хусусий сектор вакиллари бўлган мижозлар учун ҳам осон бўлса, мижозлар ўз банкни танлашда хатоликка йўл қўймайди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. 2020 йил 12 майдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ–5992-сонли “2020-2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегияси тўғрисида” ги Фармони.
2. Fischer, S. An Assessment of Financial Stability in the United States [Electronic resource] / Fischer S. // Federal Reserve System. – Mode of access: <https://www.federalreserve.gov/newsevents/speech/fischer20170627a.htm>. – Date of access: 08.10.2018.
3. Фетисов, Г.Г. Устойчивость банковской системы и методология её оценки / Г.Г. Фетисов. – Москва : ЗАО «Издательство «Экономика», 2003. – 394 с.
4. Саттаров О.Б. (2018). Ўзбекистон Республикаси банк тизими барқарорлигини таъминлаш методологиясини такомиллаштириш. Иқтис. фанлари доктори илмий дараж. олиш учун тайёрл. дисс. автор. Т.: -14 б.
5. Financial stability and macroprudential policy [Electronic resource] / European Central Bank. – Mode of access: <https://www.ecb.europa.eu/ecb/tasks/stability/html/index.en.html>. – Date of access: 08.10.2018
6. Čihák, M. Setting Up Financial System Stability Function: Challenges & Opportunities [Electronic resource] / M. Čihák // International Monetary Fund. – Mode of access: http://siteresources.worldbank.org/FINANCIALSECTOR/Resources/E-Financial_Stability_Function-Fed-IMF-WB_Course-MCihak.pdf. – Date of access: 08.10.2018.
7. Defining Financial Stability [Electronic resource] / Central Bank of Hungary. – Mode of access: <https://www.mnb.hu/en/financialstability/defining-financial-stability>. – Date of access: 08.10.2018
- Financial Stability [Electronic resource] / Bank of Greece. – Mode of access: <https://www.bankofgreece.gr/Pages/en/Publications/>
8. Financial Stability [Electronic resource] / Bank of Greece. – Mode of access: <https://www.bankofgreece.gr/Pages/en/Publications/Finstability.aspx>. – Date of access: 08.10.2018.



9. ЎзР Марказий банкининг 2017, 2018, 2019, 2020, 2021, 2022 йил учун Статистик бюллетенлари ҳамда АТИБ “Ипотекабанк” нинг 2017, 2018, 2019, 2020, 2021, 2022 йил учун йиллик ҳисоботлари.
10. Шарипова Н.Х. “Тижорат банклари молиявий барқарорлиги ва унга таъсир этувчи омиллар”/ Iqtisodiy taraqqiyot va tahlil, 2023-yil, iyul.